

## ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТДА РАҚОБАТ МУҲИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ

**Бердалиев Жавоҳир Жаҳонгир ўғли**

Корпоратив бошқарув кафедраси мустақил изланувчиси,  
Магистратура бўлими 1-курс ММКБ-01 талабаси

Илмий раҳбар: PhD **Ғанижон Ғайратович**

### **АННОТАЦИЯ**

*Мақолада Ўзбекистон Республикасида инновацион иқтисодиётни шакллантириш билан боғлиқ бўлган инвестиция фаолияти масаласи иқтисодиётни интенсификация қилиш давридаги ҳозирги босқичда янги давлат инвестицияси сиёсатини шакллантириш каби масалалар ёритилган.*

*Бунда инвестиция киритиш учун унинг жозибдорлиги билан боғлиқ масалалар кенг таҳлил қилинган ва унинг нарратив асоси кўрсатилган. Бундан ташқари инновацион инвестиция фаолияти ва инвестиция киритиш учун унинг жозибдорлигини аниқлаш омилларини, уни ташкилий элементлари ва ягона методологиясини ишлаб чиқиш катта аҳамият касб этиши кўрсатилган.*

***Калит сўзлар:** инвестиция, инновацион иқтисод, инвестицион жозибдорлик, рақобат, ҳудудий ва тармоқ инвестицияси.*

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини интенсификация қилишнинг ҳозирги босқичда янги давлат саноат сиёсатини шакллантириш муҳим вазифа бўлиб, бу мамлакат иқтисодиётини мафтункор инновациялар асосида таркибий қайта қуришни ва натижада иқтисодиётнинг реал секторига катта инвестиция ресурсларини жалб қилишни талаб қилади. Бунда инвестиция киритиш учун унинг жозибдорлиги муҳим масала бўлиб, уни ташкилий элементлари ва ягона методологиясини ишлаб чиқиш катта аҳамият касб этади.

Маълумки, интенсификация қилинган даврида инвестиция сиёсатини қайта қуришнинг пировард мақсади маҳаллий товар ва хизматларнинг ички ва жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини оширишдан иборат, бўлиб бунда инновацион иқтисодиётни шакллантириш катта аҳамият касб этади.

Маълумки, инвестиция киритишнинг ташкилий механизмларини ўрганиш ва унинг асосида корхона бошқарувини замонавий менежмент усуллар асосида такомиллаштириш аввало иқтисодда ўсишни таъминлайди.

Ҳозирги кунда фақат инвестиция ҳажмини ошириш орқалигина, юзага келган иқтисодий бўҳронни енгиш, инновациялар эвазига технологик ўсишни таъминлаш, макро ва микро даражада хўжалик фаолиятининг сифат ва ҳажм кўрсаткичларини ошириш мумкин. Инвестицион жараёнларни инновациялар асосида тадқиқ қилишни чуқурлаштириш лозим. Асосий муаммолардан яна бири бу инвестицион ҳаражатларнинг самарадорлик манбаларини назарий жиҳатдан асослаш, инновация ривожланган секторларга инвестиция киритиш ва иқтисодиётдаги фаоллаштиришни инновацияларни кенг жалб этиш эвазига кенгайтириш иқтисодиётни қайта структуралашда асосий ўрин тутди.

### Адабиётлар шарҳи

Инвестициялаш муаммоларининг эволюцион назарий – услубий асосини халқаро миқёсда қуйидаги олимлар изланишларида кўриш мумкин: А.Смит, Д.Рикардо, Дж.Кейнс, Д.Милл, П.Самуэльсон, А.Маршалл, М.Фридман, Ф.Хайек, И.Шумпетер, С.Брю, Дж.Делан, К. Кемпбелл, К.Макконел, Г. Менкью, С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмеланзи ва бошқаларнинг асарларида ўрганилган.

Инвестицияларнинг назарий ва услубий муаммолари билан шуғулланган замонавий чет эл олимларидан қуйидагиларнинг илмий изланишларида кўриш мумкин: У. Шарп, Дж. Хорн, Дж.Бэйли, Ю.Блех, У.Гетце, Л.Дж.Гитман, М.Д.Джонк Г. Бирман, С. Шмидт, Р. Брейли, С. Майерс, Ю. Бригхем, М. Бромвич, Д. Норткотт, Дж. Муррин, Д. Хэй, Д. Моррис, Х. Менвилл, ва МДХ олимларидан эса А.И.Добрынин, В.В.Бузырев, Г.П.Журавлев, И.А.Бланк А.М. Немчин, В.В. Томилов, В.Г. Золотогоров, В.Д. Миловидов, И.Т. Балабанов, В.В. Бочаров ва бошқалардан иборат.

Ушбу масалага доир республикамизнинг бир қатор олимларидан С.С.Ғуломов, Қ.Х.Абдурахмонов, Н. Сиражиддинов, Н.Расулов, А.Хикматов, К.Холбеков, Ш.Н.Зайнутдинов, Д.Н.Рахимова, Ш.Арифханов, О.Хикматов, И.Искандаров, Г.Назарова, А.А.Бедринцев, Х.Э.Трушин, Б.Исмаилов, Ш.Юлдашев, Н.Х.Хайдаров Ж.Холтаев ва Н.Хусановлар ҳамда бошқа амалиётчиларнинг илмий изланишларини келтириш мумкин.

Иқтисодий ва ҳуқуқий мазмундаги адабиётларда “инвестициялар” тушунчасининг мазмун-моҳиятига берилган ўзгача таърифлар ҳам мавжуд. Масалан, “инвестициялаш – инвестицион неъматлардан мақсадли фойдаланиш воситасида бугунги кунда ҳис этилаётган муайян эҳтиёжларни қондириш имкониятларини келажакда пайдо бўлиши мумкин бўлган ушбу каби имкониятларга алмаштириш жараёнидир”<sup>1</sup> – деб айтилган бўлса бошқа бир

<sup>1</sup> Массе П. Критерии и методы оптимального определение капиталовложений. –М., 1971. С.27.

муаллиф томонидан “инвестиция (капитал) – муайян ишлаб чиқариш даврида жамланган аммо ҳали сарфланмаган сармояларни маълум вақт ўтказиб қайтадан ишлаб чиқариш жараёнига киритилишидир”<sup>1</sup> – деб изоҳланади. Инвестициялар (капитал жойлаштирилиши) – пировард натижада фойда олиш мақсадини кўзлаб, мамлакат ичкарисида ёки хорижда иқтисодий соҳанинг турли тармоқларига инвестиция жойлаштирилишни назарда тутди.<sup>2</sup>

Умуман олганда давлат томонидан амалга ошириладиган ва хусусий сектор субъектлари ҳамда халқаро инвестиция кабиларни фарқлаш қабул қилинган. Ушбу уч томондан амалга оширилган инвестициялар тўпламини мамлакат иқтисодиётида инвестиция деб қабул қилинади.

Инвестициялаш – шахсий молиявий, моддий ёки интеллектуал неъматларни қонуний жиҳатдан таъқиқланмаган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сафарбар қилиниши. Инвестициялаш субъекти сифатида мулкчилик шаклидан қатъий назар, иқтисодий ёки ижтимоий самарадорликни кўзловчи ҳар қандай жимсоний, юридик шахс ёхуд давлат қатнашиши мумкин.<sup>3</sup>

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ўзаро алоқадорликдаги иккита масаланинг ечими билан боғлиқ. Биринчи масала, бу мамлакатнинг ички инвестицион жозибаторлиги масаласи. Ички инвестицион жозибаторлик бу мамлакатнинг географик жойлашуви, транспорт тармоқлари аҳволи, мамлакатдаги мавжуд солиқ қонунчилиги, малакали ишчи кучларининг мавжудлиги ва бошқа факторлар билан белгиланади.

Иккинчи масала, бу мамлакатнинг ташқи инвестицион жозибаторлиги масаласи, яъни ташқи инвесторларнинг шу мамлакат фойдасига инвестицион қарорлар қабул қилишга ундовчи жозибаторликдир.

Тўғридан-тўғри инвестициялар киритиш билан боғлиқ қарорлар қабул қилинаётганда - қилинаётган ҳаражатларнинг ўзини-ўзи қоплаш муддати (бу нарса инвестицион риск билан боғлиқ бўлади), мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий аҳвол, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш истиқболлари, халқаро монополияларнинг ривожланиш стратегияси, бозорнинг катталиги, мамлакатдаги технологик талаблар, инвесторнинг ўз имкониятларни амалга ошириши каби факторлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

<sup>1</sup> Черевик Е.Д. Инвестиционный процесс и развивающихся странах. –М., 1988. С.9.

<sup>2</sup> Евтеева М.С. Международные двусторонние инвестиционные соглашения. //Международная отношения. 2002. С.35.

<sup>3</sup> Хайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари (хорижий инвестицияли корхоналар мисолида). /Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дивветація автореферати. –Т., 2003. 14-бет.

Бугунги кунда жаҳонда капитал чиқариш билан боғлиқ инвестицион фаолият бўйича ўзига хос критерийлар мавжуд. Булар:

Маҳаллий бозорнинг тавсифи - бунга аҳолининг харид қобилияти, мамлакатнинг географик жойлашуви (қўшни бозорларнинг мавжудлиги нуқтаи назаридан), табиий ресурсларнинг мавжудлиги ва бошқалар киради.

Сиёсий барқарорлик ва қонунларнинг ишлаши - инвестицияга оид қарорларнинг ишлаши ва буларнинг қанча вақтдан бери ўзгармасдан туриши. Албатта, бу ерда инвестициялар бўйича мавжуд ҳуқуқий институционал асоснинг роли катта.

Солиқ ставкалари ва рағбатлантириш — бу бўйича ҳам бугунги кунда универсал тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, солиқ имтиёзлари, амортизация ажратмалари бўйича имтиёзлар, божхона тўловлари бўйича имтиёзлар шулар жумласидандир. Юқоридагилардан ташқари молиявий рағбатлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Бунга кредитлар ажратиш ва улар бўйича кафолатлар бериш киради. Баъзан эса бу имтиёзлар бошқа бир шартлар билан боғлаб қўйилган бўлиши мумкин. Масалан, яратиладиган ишчи ўринлари сони, бирон бир тармоқда фаолият кўрсатиш ва ҳоказолар. Ривожланган давлатларнинг потенциал инвесторлари кўпроқ молиявий рағбатлантиришга қизиқиш билдирсалар, ривожланаётган давлатларнинг инвесторлари эса молиявий маблағлар кўплиги туфайли солиқ имтиёзларига кўпроқ хайрихоҳ бўладилар.

Макро иқтисодий сиёсат ва инфляция даражаси - юқори инфляция даражаси бу бошқаришни қийинлаштиради, вазиятни баҳолашда қийинчилик туғдиради, айланма капиталнинг қадрсизланишига сабаб бўлади, аҳолининг харид қобилиятини пасайтиради. Бу ҳолат иқтисодиётнинг реал тармоқлари билан бирқаторда инвестициялар соҳасида ҳам жозибадорликнинг пасайишига сабаб бўлади.

Булардан ташқари инвестицияларнинг кириб келишида қуйидаги омиллар ҳам роль ўйнайди:

Ишчи кучининг малакаси, унинг касбий маҳорати;

Инновация ва илмий-техник янгиликларни мавжудлиги ва уларни жорий қилиниши аҳволи, интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий ҳимояси, технологиялар бозорининг мавжудлиги;

Капиталнинг эркин ҳаракати ва фойдани эркин олиб чиқиб кетиш имкониятлари;

Валюта rischi ва валюта курси;

Экспорт-импорт операциялари бўйича савдо сиёсати ва бу соҳадаги ахборотларнинг етарлилиги;

Халқаро молия ташкилотлари тамонидан ажратилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарзларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

### Таҳлиллар

Ўзбекистонда инвестициялашнинг умумий ҳолати қуйидаги 1- жадвалда келтирилган бўлиб, унда ҳудудий кесимдаги 2016 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда умумий республика миқёсида ва унинг ҳудудлар кесимидаги ҳолати таҳлили келтирилган.

Иқтисодиётга жалб қилинган инвестицияларнинг ҳудудлар кесимидаги миқдори статистикасини кўрсатишича 2021 йилги миқдорининг энг катта улуши Жиззах 51,9 % ва Тошкент шаҳрида 45,5%ни ташкил қилади. Энг кам

улуш эса Сирдарё 18,3% ва Сурхандарё 28,4% вилоятларига тўғри келади. Республика бўйича ҳиссаси ўтган 2020 йилга нисбатан 2,7% га камайганлигини кўришимиз мумкин. Бунинг асосий сабаби пандемия даврининг оқибатлари бўлиб, инвесторларнинг ўзини капитал маблағларини эҳтиёткорлик билан сарфлаши билан тушунтирилади.

Бундан ташқари ҳудудлар кесимида инвестициялар жозибадорлик картасини тармоқлар кесимида ишлаб чиқиш зарур бўлиб, унинг ягона республика бўйича баҳолашнинг тармоқлар ва корхоналар кесимидаги услубиятини ишлаб чиқишни талаб этади.

Тадқиқотчи Дилдора Анварованинг фикрича “2016 йилнинг 1 январидан 2021 йилнинг сентябргача бўлган даврда жами **300** дан ортиқ, шу жумладан, **55** та давлат корхонаси ва уюшмаларига якка тартибдаги.

Жадвал 1

### Иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар миқдори, %

Ҳудудлар	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Ўзбекистон Республикаси	54,4	47,3	42,0	29,3	40,8	38,1
Қорақалпоғистон Республикаси	35,2	62,8	37,9	34,3	39,1	36,1
Андижон	67,6	65,6	47,8	38,2	47,6	37,0
Бухоро	39,5	20,6	35,5	28,9	38,3	28,3
Жиззах	62,9	55,4	44,3	22,5	20,9	51,9
Қашқадарё	53,5	39,1	33,6	22,2	21,6	30,4
Навоий	50,0	46,5	37,1	15,7	25,8	25,2
Наманган	50,9	49,9	29,7	29,4	41,9	41,3
Самарқанд	76,3	68,4	57,5	38,5	53,0	42,9
Сурхондарё	58,7	50,0	34,9	15,7	23,7	28,4
Сирдарё	41,2	38,7	34,9	20,4	29,9	18,3
Тошкент	58,6	51,4	51,0	38,6	51,6	45,5
Фарғона	61,8	67,9	46,1	34,7	43,3	40,8
Хоразм	70,5	64,5	49,1	32,8	41,2	42,2
Тошкент.ш	56,1	52,8	49,7	36,6	54,0	43,3

индивидуал характердаги солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар берилган бўлиб, киритилган имтиёз ва преференцияларни инвентаризациядан ўтказган ҳолда, уларнинг иқтисодийга ва соғлом рақобат муҳитига салбий таъсирини чуқур таҳлил қилиш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ тубдан қайта кўриб чиқиш ва имтиёз ва преференцияларни тақдим этишда давлатнинг талаблари ва шартлари, улардан фойдаланувчилар томонидан эришилиши лозим бўлган мақсадли кўрсаткичларни аниқ белгилаш механизмини жорий этиш зарур деб билади”<sup>1</sup>.

Аксарият тармоқларнинг монополлашуви ва айрим корхонларга берилган имтиёзларнинг ушбу тармоқларда рақобатнинг даржасини пастлигини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Бироқ, инвестиция қилинган маблағлар иқтисодий ўсишга таъсир қилиши учун нафақат молиявий ресурсларни жалб қилиш, балки уларни энг катта даромад келтирадиган жойга йўналтириш муҳим масала бўлиб, бунинг учун корхона (корпорация)нинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш индексини тармоқлар кесимида ишлаб чиқиш зарур.

Ҳозирги вақтда кўплаб, корхоналаримиз инвестицион жозибадорлиги паст даражада бўлиб, инвесторлар корхоналарга киритилиши кутилаётган рискларни катта деб ҳисоблашади. Бу, шунингдек, ички фонд бозорининг ривожланмаганлиги, банклар томонидан корхоналарни кредитлашнинг чекланиши, ҳудудий миқёсдаги инвестиция сиёсатининг хусусиятлари ва устувор мақсадли йўналишлари, шунингдек, акционерлик жамияти кўринишидаги корхоналарнинг менеджментини ривожланмаганлиги билан боғлиқ деб билади.

Тармоқ ва корхоналарга киритилган инвестициялар географисини кўрсатишча асосан қисқа муддатли ва тор мақсадларга қаратилган инвестицияларни кўришимиз мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Асосий фонд турлари бўйича капиталга киритилган инвестицияларнинг миқдори (млрд сўм)

Асосий фондлар	2019	2020
<b>Жами</b>	<b>195927,3</b>	<b>210195,1</b>
Тура-жой бинолари	20621,9	23200,8
Нотура-жой бинолари	33408,1	38172,7
Бошқа иншоотлар	23148,7	27039,0
Ерни яхшилаш	127,3	285,9

<sup>1</sup> <https://kun.uz/news/2021/11/02/imtiyoz-va-preferensiyalar-tadbirkorlikni-rivojlantirishmi-yo-soliqdan-qochish-vositasi>



Машина ва ускуналар, жами	107305,8	110493,8
Транспорт ускуналари	16588,2	12415,2
Ахборот, компьютер ва телекоммуникатция (АКТ) ускуналари	3194,8	7347,0
Бошқа машина ва ускуналар	87522,7	90731,6
Бир неча марта маҳсулот берувчи, хайвонлар ресурслари	2418,9	2843,0
Бир неча марта маҳсулот берувчи дарахтлар, қишлоқ хўжалик экинлари ва кўчатлар ресурслари	372,0	880,7
Ноишлаб чиқариш активларга мулк ҳуқуқини бериш билан боғлиқ харажатлар	198,1	225,0
Компютер дастурий таъминоти ва маълумотлар базалари	28,7	25,2
Кўнгилочар, адабий ва бадий асарларнинг асл нусхалари	3,7	1,6
Илмий тадқиқотлар ва ишланмалар	5,9	86,5
Фойдали қазилмалар заҳираларини разведка қилиш ва баҳолаш	763,7	26,7
Бошқа интеллектуал мулк маҳсулотлари	330,1	229,0

2020-2021 йиллардаги асосий фонд турлари бўйича капиталга киритилган инвестицияларнинг миқдорини таҳлилини кўрсатишича юқори даражада кўшимча қиймат яратувчи тармоқларга инвестиция киритиш даражаси нисбатан куйидаги йўналишларда сезиларли даражада эмаслигини кўришимиз мумкин. Яъни ноишлаб чиқариш активларга мулк ҳуқуқини бериш билан боғлиқ харажатлар, компьютер дастурий таъминоти ва маълумотлар базалари, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг амалиётга трансфери билан боғлиқ бўлган инновация соҳаларидир. Бунда сунъий интеллект технологиялари ва таълим хизматларига оид стартап лойиҳаларини сонини кўпайтириш ўзининг инвестициялашда синергетик самарасига эга бўлиб, мамлакатдади стратегик мақсадларга мувофиқ бўлади.

Мамлакатда инновацион салоҳият етарли даражада шаклланган бўлсада иқтисодийнинг реал сектори билан боғлиқ бўлган кам рентабелли соҳаларга жумладан қазиб олиш соҳаларига инвестицияни юқорилигини кўришимиз мумкин.

### Хулоса ва таклифлар

Янги Ўзбекистон шароитида, иқтисодни четдан туриб бошқаришга чек қўйиб, ички имкониятлардан келиб-чиқиб бошқариладиган ягона, мустақкам асосларга эга тизим вужудга келди. Айни пайтда жаҳон иқтисодий тизимининг муҳим бўғинига айлана бориб, Ўзбекистон халқаро иқтисодий координациялашув жараёнига фаол киришди. Унинг узвий ва ишончли бўғини кенг имкониятли субъектига айланди.

Мамлакат раҳбарияти томонидан охириги 5 йиллик даврида илгари сурилган давлат сиёсати бўлган иқтисодий эркинлаштириш масаласи, бевосита чет эл сармоясини мамлакатимизга олиб кириш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарлар очиш ва уларни ривожлантиришга кенг йўл очиб бермоқда. Чунки бу жараёнларни амалга оширишда жуда кўп турдаги тўсиқлар мавжуд эди ва ушбу фаолиятни либераллаштириш муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасида хом-ашё ресурслари, арзон ишчи кучининг мавжудлиги мамлакатда маҳсулот ишлаб чиқариш, уни тайёр ҳолатга келтириш ва қайта ишлаш таннархи бошқа давлатлардагига қараганда арзонроқ эканлиги ва инновацион салоҳиятнинг мавжудлиги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар тузишда Ўзбекистон томони ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган ер, жой ва коммуникация каби масалани ечимини таъминлаб берилиши инвестицион жозибдорликни ортишида катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кўп миқдорда жалб этилишига эришиш учун инвестицион муҳитни такомиллаштиришнинг қуйидаги йўналишларини таклиф этамиз:

- инвестицияларни давлат томонидан сиёсий ва ҳуқуқий, иқтисодий хавф-хатардан суғурта қилишни такомиллаштириш, инвесторларнинг олган даромадини чет эл валютасига ва унинг бошқа давлатларга ўтказилишидаги манфаатдорлигини ошириш мақсадида мавжуд чекловларни олиб ташлаш масаласини қайта кўриб чиқиш, инвестиция қўйиш учун қулай муҳитни яратиш ҳамда инвестицион қонун устуворлигини таъминлаш;

- хорижий инвесторларнинг ҳуқуқи бузилганда давлат идоралари зиммасига вужудга келган зарарни қоплаш маъсулиятини қайта кўриб чиқиш ва уни такомиллаштириш;

- давлат ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари баҳоларининг, инвестиция фоизларининг шаклланишига тўғридан-тўғри аралашмаса ҳам, у ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат муҳитини вужудга келтириш учун, маҳсулотларни ишлаб чиқариш, инвестицияни монополиялаштиришнинг олдини олиш, асосий истеъмол товарларига белгиланаётган баҳолар устидан назорат ўрнатиш, истеъмол саватини ҳисоблаш асосида белгиланган минимал ойлик иш ҳақи ва бошқа бозор механизмлари орқали билвосита таъсир кўрсатиши лозим;

- инвестициялар бозорини янада ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири маркетинг хизматларини ривожлантириш, унинг дастурини ва асосий режаларини ишлаб чиқиш, унга риоя қилиш ва у асосида инвестиция бозорининг асосий йўналишларини режлаштириш зарурдир;



- иқтисодий ривожланиб боргани сари хорижий инвестицияларни тартибга солишни миллий ички инвестицияларни тартибга солиш билан тобора яқинлаштириш лозим. Хорижий мамлакатлар билан ҳисоб-китоб ва инвестиция муносабатлари соҳасида тўлов балансини мувозанатли ҳолатга олиб келиш ва молиявий йўқотишларга йўл қўймаслик мақсадида ҳисоб-китоб муносабатларини халқаро амалиётда қўлланилаётган қонун ва қоидалари асосида юритишга тўлиқ ўтказиш чора-тадбирларини амалга ошириш лозим;

- хорижий сармояларни жалб этишни фаоллаштириш учун инвестиция лойиҳасининг мукамал тайёрланишини, малакали экспертизадан ўтказилишини ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарлар, хорижий сармоялар билан амалга ошириладиган бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги ҳуқуқий ва иқтисодий тўсиқларни бартараф этишни талаб этади;

- инвестициялар бозорини табақалаштириш турини танлашда унда кўрсатиладиган хизматларнинг муайян турларига устун эҳтиёж сезаётган табақаларни афзал кўриш тавсия этилади ва хизматларнинг янги турларини яратишнинг асосий босқичларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар иқтисодий ривожланишимизга юқори таъсир кўрсатади. Улар биринчидан, иқтисодий ўсишни таъминлашса, иккинчидан жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашув даражасини оширади. Мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мазмуни ҳам шунга йўналтирилгандир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарлар техник-иқтисодий бошқарув таркиби ҳолатини таҳлил қилинишида бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Иш юритиш ҳолатида ҳам муаммолар учраб турганлигини кўриш мумкин.

Улардан бири хорижлик сармоядор билан миллий ишлаб чиқарувчиларимиз ўртасидаги муносабатларни инвестицион жозибадорлик картаси асосидаги индекслар асосида фаолиятни йўлга қўйиш зарур.

Бунда:

- чет эл сармоядорлари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга бажариб бўлмайдиган катта талаблар қўяётганлиги;

- иқтисодий ахборотлар етишмаслиги сабабли таҳлил ва истиқболни белгилаш ва инвестицион жозибадорлик услубиятини ишончлилиги пастлиги;

- инвестицияни амалга оширишда инновацион ишланмаларнинг илмий салоҳиятнинг пастлиги;

- инновация ишланмаларини замонавий техника - технология билан жиҳозланмаганлиги ва бошқалардир.

Шундай қилиб Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этиш, улар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида инновацион иқтисодий шакллантириш муҳим ўрин тутади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Массе П. Критерии и методы оптимального определение капиталовложений. –М., 1971. С.27.
2. Черевик Е.Д. Инвестиционный процесс и развивающихся странах. –М., 1988. С.9.
3. Евтеева М.С. Международные двусторонние инвестиционные соглашения. //Международная отношения. 2002. С.35.
4. Хайдаров Н.Х. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари (хорижий инвестицияли корхоналар мисолида). /Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диввтация автореферати. –Т., 2003. 14-бет.
5. <http://www.kun.uz>